

КУНЖУТ НАВЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Юсунов Бекназар Оразбаевич

*Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
Агротехнологиялар институти ассистенти*

Бекбанов Бисенбай Арепович - қ.х.ф.н.

Қорақалпоғистон деҳқончилик ИТИ

Кириш. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида экинлар ҳосилдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, деҳқончилик талабларига мос келадиган серҳосил нав ва дурагайлар яратишга ҳамда уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга катта эътибор берилмоқда.

Республикамиз ҳудудий жойлашуви ва минтақаларига кўра узига ҳос тўпроқ-иқлим шароитига эга. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари учун қўлланиладиган агротехнологик тадбирлар мажмўи, шу жойнинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Шунинг учун, республикамиз тупроқ-иқлим шароитида кунжутнинг янги, серҳосил, йирик уруғли, уруғи таркибида мой миқдори юқори бўлган, дунё бозорида рақобатбардош навларини танлаб, уруғчилик тизимини илмий асосда йўлга қўйиш, ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Минтақа учун навни тўғри танлаш, экишда сара уруғларни кўллаш, етиштиришни илғор технологиясини уйғунлаштириш, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имконини берувчи омиллардир. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳарқандай қишлоқ хўжалиги экинларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлардан бири - юқори ҳосил олиш билан бирга, уларни бирламчи уруғчилигини тўғри ташкил этишдир. Маълумки, сифатли сара уруғликларни экилиши натижасида, ҳосилдорликнинг 25-30 фоизга ошиши олимларимиз тажрибаларида ва деҳқонларимиз амалиётида ўз исботини топган.

Шунинг учун, мойли экинлар етиштириш кўламини кенгайтириш тадбирларини амалга ошириш, нафақат иқтисодий, балки озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайиши ҳисобига, аҳолининг ёғ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилиб, натижада аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади, ва бу уз навбатида озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Дуниёда кенг тарқалган мойли экинлар: соя, кунгабоқар, кунжут, махсар, мойли зиғир катта майдонларда экилмоқда. Мойли экинлар АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Бразилия, Аргентина, Хитой, Покистон, Россия, Украинада кенг тарқалган. Ўзбекистонда мойли экинлардан махсар, кунгабоқар, кунжут, ерёнғоқ, мойли зиғир ва соя куплаб экилади.

Кунжут – мухим мойли экинлардан бири булиб, мойли экинлар орасида, ўруғининг мойдорлиги бўйича биринчи ўринда тўради. Кунжут

мойи ўта юқори сифатли, диетик хусусиятларга эга булиб, кенг миқёсда озиқ-овқат таёрлашда фойдаланилади. Уруғининг таркибида 55 - 60 % гача мой бўлади.

Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда, уруғликни сифатли таёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунини ҳисобга олиб, кунжутнинг 4 та нави билан дала тажрибасини олиб бордик.

Материаллар ва услублар. Тажрибада кунжутнинг Тошкент-122, Садаф, Хива ва Қора шахзода навларининг бирламчи уруғчилик тизими урганилди. Биринчи йилги авлодларни синаш кучатзорида ҳарбир нав бўйича 160 та-дан ўсимлик экилиб синалди. Ўсимликлар тулик гуллаш ва ҳосил тугиш фазаларида икки маротаба куриқдан утказилиб, навга хос бўлмаган аралашмалардан тозаланди. Қолган тоза ўсимликлардан уруғлик ҳосил йиғиб олиниб, келгуси йили иккинчи йилги авлодларни синаш кучатзорини ташкил этиш учун таерлаб қўйилди. Уруғ сифатини аниқлашда, унинг тозаллиги, унувчанлиги, намлиги, 1000 донасининг оғирлиги ва бошқа да курсаткишлари ҳисобга олинди. Уруғликлар экишдан 20-25 кун олдин зараркунандалар ва касалликларга қарши фунгицид билан дориланди.

Кузатишлар ва биометрик ўлчовлар тоқ қайтариқларда модел ўсимликларда олиб борилди. Фенологик кузатишлар Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат инспекцияси методикаси бўйича ўтказилди (1989).

Экиш қатор ораси 60 см этиб, 15-май куни қўлда амалга оширилди, яъни бир гектар майдонда 200 минг туп қалинликни таъминлаш ҳисобидан уруғ сарфланди.

Натижалар ва мунозара. Кунжут навларининг 1-сентябр ҳолатини кўздан кечирганимизда, бўйга ўсиш бўйича навлар орасида унча катта фарх кузатилмади, ўсимликларнинг бўйи 104-115 см оралиғида бўлди. Бўйга ўсиш бўйича Тошкент-122 нави бошқалардан баланд бўлиб, уртача 115 см-ни ташкил этди.

Бир ўсимликда кусак фойда этиш бўйича, навлар орасида анча фарх бўлди. Сабаби, бир кусакда 50 дан 100 та-гача уруғ бўлишини ҳисобга олсак, 5-10 та кусак куп бўлганда 700-800- та уруғ зиёд бўлади дегани. Жадвалда келтирилганидек, кусак фойда қилиш сони бўйича, навлар бир-биридан ҳар бир ўсимликка 3 та-дан 9 та-гача фарх кузатилди. Навлар ичида Хива ва Тошкент-122 навлари ўртача бир ўсимликка 46-50 та-лан кусак бойлаганда, Қора шахзода ва Садаф навлари 41-44 дона кусак фойда этган.

Энди бир кусакдаги донлар сонини таҳлил қилганимизда, Тошкент-122 ва Қора шахзода навларини бир кусагида ўртача 60-64 дона дон бўлган бўлса, Садаф

ва Хива навларида 57-58 дон бўлган. Бул дегани, ҳосилдорликнинг анча пасайишига олиб келади.

Ўсимликда 1000 та дон вазни, уруғнинг йириклигини ва ҳосилдорликни белгиловчи асосий хусусият бўлиб ҳисобланади. 2-жадвалда келтирилганидек, 1000 та дон вазни бўйича навлар орасида катта фарх бўлмади, лекин, Тошкент-122 нави бошқа навларга нисбатан 0.2- 0.4 граммга ортиқ бўлди.

Ўсимликнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, асосан экиннинг туп қалинлиги, доннинг йириклиги ва бир ўсимликдаги доннинг сонига боғлиқ. Энг юқори ҳосилдорлик Тошкент-122 навида намаён бўлди. Бу ерда ўсимликнинг туп қалинлиги, 1000 дона дон вазни, бир ўсимликдаги қусак ва дон сони, бошқа навларга нисбатан анча юқори. Шунинг учун ҳаи энг юқори ҳосилдорликни таъминлаган. Бу ерда Садаф нави ҳам ўсимликнинг туп сони бўйича Тошкент-122 нави билан тенг бўлгани билан, бир ўсимликдаги қусак ва бир қусакдаги донлар сони бўйича Тошкент-122 навидан анча кам. Шунинг учун ҳам ҳар бир гектардан 2 ц ҳосил кам тўплаган. Қора шаҳзода ва Хива навлари ҳам ўсимликнинг туп сони ва 1000 дона дон вазни бўйича бир-бирига яқин бўлгани билан, бир тупдаги қусак ва бир қусакдаги донлар сони бўйича озгина фарх қилади. Шўнинг ҳисобига Хива нави Қора шаҳзода навига нисбатан 0.2 ц ҳосилни куп тўплаган.

Хўлосалар. Тажриба даласида экилган биринчи йил авлодларни синаш кўчатзорида гуллаш ва қусак тугиш фазасида ўсимликларнинг кўриниши, гуллаш муддати, қусакларнинг ранги ва формаси, барглари раанги ҳамда бошқа кўрсаткичлари бўйича ҳар тарафлама атрофлича баҳоланди ва навга хос бўлмаган ўсимликлар ўрилиб чиқариб ташланди.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Янги навни тез ва катта майдонларга жорий қилишнинг асосий йўналиши, бу уруғчилик тизимини яхши йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Адабиётлар

1. Аманов А.А., Анорбаев И.У., Идиатуллина Д.Д. Мойли экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиялар. Тошкент, 2017, 6 б.
2. Бекбанов Б., Мамбетназаров А., Отеулиев Ж. Кунжут навларининг бирламчи уруғчилик тизими. International scientific online conference. USA Washington 25-март 2023 С.143-147.
3. Ёрматова Д. Мойли экинлар. Тошкент, 2004 й.
4. Қозубаев Ш., Турабходжаева М., Турсунов Т. Уруғчиликда стандартларни ишлаб чиқишнинг мақсади ва уларнинг вазибалари. //Агро илм 2018, 5(55) сон, 116 б.